

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 3 декабрь Чоршанба. № 94 (14486)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида

Олий таълим тизимини педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, олий мактаб педагогларининг ёшларини тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 1997 йил 1 декабрдан бошлаб олий ўқув юртлири раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядларни ошириш ҳисобига ўртача 25 фоизга оширилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда юқорида кўрсатилган ходимларнинг лавозим маошларини

қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 2 декабрь

Ал-Фарғоний таваллудини 1200 йиллиги

МАЪНАВИЯТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ ТИМСОЛИ

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний: Мен шундай шараф кийимларига мушарраф бўлдимки, уларнинг сеҳру жиҳоси мен қондирган мерос каби, келажак йиллар ва насллар оқими орқали давом этаверади, деган эди.

Не бахти, инсоният тараққиёти йўлига таваккур машғулини тутган буюк аждодларимизнинг башоратлари, орзу-армонлари бизнинг давримизда рўйга чиқмоқда. Уларнинг тарих чанг-тузонлари остида, айниқса шўро замонида унутилган муборак номлари йўлбошимиз ташаббуси билан қайта тикланмоқда. Келаси йили улуг юртдошимиз, қомусий алома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудини 1200 йиллиги кенг нишонлангани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Президент Ислам Каримов имзо чеккан Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорида ЮНЕСКО илтифорида ўтказилган буюк муҳим халқаро талғибга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, келаси йилнинг октябр ойида Аҳмад ал-Фарғоний таваллуди бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Унинг доирасида «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тугган ўрни» мавзuida халқаро конференция ўтказилади. Юбилей муносабати билан Фарғона вилоятида бир қанча янги ишоотлар қурилади ва таъмирлаш ишлари бажарилади.

Алломининг хоржий давлатлардаги кутубхоналарда ва фуқаролар қўлида сақланаётган илмий-адабий меросини аниқлаш ва тўплаш учун махсус археографик экспедициялар ташкил этилади. Барча турдаги таълим муассасаларида Аҳмад ал-Фарғоний ўқувлари ўтказилади. Олимнинг асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодида оид насллар ўзбек, араб, рус, инглиз ва француз тилларида оид этилади, икки қисми хужжатли, илмий-оммабоп, публицистик қисми яратилади.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудини 1200 йиллигига бағишланган почта маркаси ва конвертлар чқарилади. Қўрнинг туридики, алломанин ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уни кенг тарғиб этиш юбилейга тайёргарликда асосий ўрин эгаллайди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг ижоди, ҳақиқатан ҳам, фан оламида қам учрайдиган ноёб воқеалар. У Шарқ тарихида ҳақиқ равишда Уйғонинг даврининг энг ёрқин сий-молларидан бири эди. Олимларнинг таъкидлашича, Аҳмад ал-Фарғоний етук қомусий илм соҳиб бўлган. У замонаси илм-фаннинг деярли барча соҳаларида қалам тебратган. Математика, фалақийет, жўроғи фанлари тараққиётига айниқ салмоқли ҳисса қўшди. Унинг фалақийетшуносликка бағишланган «Астрономия қалди-ти» асари олимлар ўртасида кенг эътибор этилган. Шу

боис, у Шарқда «Ҳосиб» /машҳур математик/, Фарбда «Алфараганус» номи билан долг таратган. Беназир юртдошимиз фаолиятининг асосий қисми Бағдодда машҳур халифа Хорун ар-Рашид (786-809) қур-дирган «Байт ул-хикмат» - «Билим уйи»да кечди. Уша вақтда бу ерда олимларнинг ижод қилиши учун бир қадар қулай шароит яратилган бўлиб, турли мамлакатлардан таниқли алломалар ва таржимонлар тўпланган эди.

Тарихчилар Аҳмад ал-Фарғонийнинг Бағдодга қачон ва қандай қилиб келгани аниқ эмаслигига эътиборни қаратадилар. «Билим уйи» халифанин ўгли ал-Маъмун даврида /813-833/ айниқса гуллаб яшнаган. Бу ердаги кутуб-хонада ҳинд, юнон, сурений, араб, форс тилларида бит-тилган 400 минг жилд қўлема китоб сақланган. Бу бит-мас-туганмас билим хазинасига яна бир улуг ватандоши-миз - Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бош китоблар бўлган. Шунинг айтиш керакки, Бағдод «Билим уйи» айниқса ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийнинг илмий жасоратлари тўғрисида буюк Шарқда машҳур бўлган. Уларнинг биринчиси хатто ҳозир, XXI аср бугунгисига ҳам мактаб ва олий ўқув муассасаларида ўрганиладиган алгебра ва алго-ритм кашфиётлари асос солган бўлса, иккинчиси қур-ран заминимиз - Ернинг думалоқлигини шундай далил-лар билан исботлаб берганки, улар ўз илмий ҳаётидаги ҳали ҳам йўқотмаган. Қоҳира, Искандария, Хартум син-гари тарихий шаҳарлардан оқиб ўтувчи Африкадаги му-аззам дарё - Нидинг сувини ўлчайдиган ал-Фарғоний иштиро этган «Миқёс жадид» деб аталмиш асбобнинг мукамаллиги ҳозир ҳам кишини лол қолдиради. Мута-хасасларнинг таъкидлашича, унинг ердагида олинган натижалар ҳозирги замон аппаратларининг маълумотла-ридан фарқ қилмайди.

Ал-Фарғоний асарлари аллома тиркилигидек зам-ондошлари учун қўллана бўлиб хизмат қилганлар. Улар ХП асрдак лотин, ХШ асрда эса Европа тилларида тар-жима қилинган. Улуг юртдошимизнинг ўнлаб асарлари-нинг ноёб қўлема нусхалари Фарғонин нуфузли кутуб-хоналарида сақланмоқда.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг барча асарларини бир ерга тўплаш, уларни истиқлол нуқтаи назаридан чуқур ўр-ғаниш буюк ватандошимизнинг, бинобарин, халқимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини теран англаш, аждодларимиз не буюк эзлган бўлганини жаҳон ҳамжамиятига танитиш имконини беради.

Зеро, ал-Фарғонийнинг ижоди юртимиз, миллатимиз даҳсининг, унинг буюк маънавий салоҳиятининг ёрқин тимсолидир.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ, ЎзА

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

1997 йил 5 ноябрда вақтин матбуотда эълон қилин-ган Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонида атрофлаш муҳокама қилинмоқда.

Қуйида бир қатор журналистларнинг фикр ва мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдим.

Оммавий ахборот воситалари талаб ва эътибор энг ривожланган давлатларда ҳам ҳеч маҳал еусаймаган. Жа-моатчилик сиеатда, иқтисодиётда, ижтимоий ҳаёт-да, фан ёки ишлаб чиқаришнинг бирор бўғинида -- ҳамма соҳада дуненин қайси бир чеккасида бўлмасин, юз берган яхши-ёмон хабар ва маълумотларни ОАВ (ом-мавий ахборот воситалари) орқали олади. Шу ўринда бундай қонуннинг умумий халқ муҳокамасига ҳавола қилиб, кейин қабул қилинишининг узи давлатимиз демок-ратияга асосланган жамият қуриши, уни жаҳон таърибаси асосида баркамоллаштириш сари далил қалам ташлаёт-ганлигига қафолатдир.

Лойиҳанин 14-моддасида ОАВ ни нашр этишни му-ассис ёки рўйхатга олган орган, шунингдек суд қарори билан тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида айтилади. Бу оммавий ахборот воситалари зиммасига янада маъсулият юклайди ҳамда унинг қонун билан ҳимояланганлиги ўқтирилади.

Республикамиз ОАВ да танқидий мақола, фельетон-лар кўп берилди. Қонун лойиҳасидаги моддаларда эълон қилинган ахборотларнинг тўрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонуний жавобгарлик, шунингдек ҳақиқатга тўғри кел-майдиган ёки қадр-қимматга доғ туширадиган маълумот-


лар бўйича раддия бериш тартиби тўғрисида аниқ маълум-отлар берилган. Лекин танқидга ураган юридик шахс ёки ташкилотнинг жавобгарлиги, ОАВ да бу танқидга муносабат билдириш мажбурияти ҳақида тўхталинмаган.

Яна шу қонун лойиҳасининг 24-моддасида «Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахбор-от воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч қимни ҳаққи йўқ» дейилмоқда. Шу ерда «шундай ҳолат бўлганда таҳририят ҳодимлари уша шахсни судга бериши мум-кин» деган банд киритилса яхши бўларди.

Лойиҳанин сўз эркинлиги ва оммавий ахборот вос-италари ҳақидаги 2-моддасида қуйидаги жиҳатлар ҳар бир журналистнинг эътиборини жалб этмай қолмайди. «Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир». Қола-верса, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот вос-италарини цензурага йўл қўйилмаслиги, эълон қилинаёт-ган хабарлар ёки материаллар олдидан келишиб оли-нишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгаририлиши ёки бутунлай олиб қолишни талаб қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқлиги ҳам алоҳида ўқтириб ўтилгандир.


Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ушбу қонун қучга кирса оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи, ҳуқуқий ва ижтимоий қафолатлар билан бирга журналистлар касбига доир фаолиятни ҳам қиладиган хужжат бўлади.

Санд АЗИЗОВ, Ляльхон САЛИМОВА, Нозима ИСЛОМОВА



«Қизилқуммента ҳиссалорлик жамияти» қўшма кор-хонаси ишлаб чиқараётган махсулотлар нафақат республикамизда, балки хоржий мамлакатларда ҳам ўз хари-дорларини топтоқда. Ёшлар мададига таянган корхона бугунги кунда илгорликни қўлдан бермай келаётир. Суратда: Мармар цехининг илгор ишчиси С. Норали-ев.

«Камолот» совритқори



Бизнинг суҳбатдош: Тошкент Давлат Уни-верситети иқтисодиёт факультети 4-курс толи-би, «Камолот» жамгармаси стипендияси совриндори Эркин Йўлдошев.

ОРЗУНИНГ УШАЛСИН, ТАЛАБА

-- Эркин, нима учун сиз айнан иқтисод соҳасини танлагиниз?

-- Ёшлигимдан аниқ фанларга қизиқардим. Шунинг учун 9-синфин битириб, туманимиздаги иқтисодий болалар 2-ли-цей-интернатида ўқишга кирдим. Иқтисод касбини танлашимда ўқитувчим, профессор Тошмурод Ойбошевнинг хизматлари катта бўлди. Мен у киши-дан миннатдорман.

-- Соверини қандай қабул қилдингиз?

-- У менин ҳаётимда жуда катта ўзгариш яса-ди. Давлатимизнинг ҳозир-ги ёшларга кўрсатаётган гамхўрлиги беиз кетмай-ди, дея ишонч билан айт-иш мумкин. Менга жуда катта ишонч билдириб

нинг энг зўр деб тан олин-ган иқтисодчилари қатори-дан жой олиш. Албатта, бу жуда катта маъсулият та-лаб қилади, лекин шу йўлда қандай қийинчилик бўлса енгишга тайёрман.

-- Бун вақтларингизни қандай ўтказасиз?

-- Бун вақтим йўқ деса ҳам бўлади. Ҳозирги пай-тда ҳар бир касб эгаси айниқса иқтисолчи учун чет тилини билиш зарур. Шунинг учун инглиз тил-нини чуқур ўзлаштириб олишга ҳаракат қиляман. Қолган вақтларимда Эр-кин Воҳидов, Тоҳир Ма-лик, Мухаммад Юсуфлар-нинг асарларини мутлолаа қилиб тураман.

Л. СУВОНОВ, «Туркистон» мухбири

«Мўтти» қашлок ёшлари ҳузурда

Норин туманидаги «Хужабод» ва «Ўзбеки-стон» жамоа хужалғи ёшлари ажойиб тантана-ларнинг гувоҳи бўлишди.

Республика ёшларин-нинг «Камолот» жам-гармаси қошида ташкил этилган «Мўтти» театри санъаткорлари уларга то-моша-концерт намойиш қиладилар. Таниқли сўз устаси, истеъдодли актёр

Шерали Ҳожиёв бошчили-гида ўтган тантаналар ёшларда катта таассурот қолдиради.

-- Бугунги томоша жуда мароқли ўтди. Биз ёшлар мазза қилиб дам олдик, -- дея хурсандчилигини изҳор этди «Хужабод» қишлоғида яшовчи Хай-рулла Тоиров.

Раҳима РАСУЛОВА, Наманган

ЭЪТИРОФ
Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йил-ларидаёқ Ўз Конституциясига эга бўлди. Бу катта муваффақият, албатта. Менда Ўзбекистон Кон-ституциясининг инглиз тилидаги нусхаси бор. Уни ўқиб чиққанган ва айтишим керакки, Кон-ституциянгизга мавжуд шароит, халқингизнинг ўзига хос ҳаёт тарзи инобатга олингани ҳамда ривожланган Фарб давлатлари таърибаси син-гидрилгани билан эътиборга лойикдир.

ИНТЕРНЕТ: КИТЪАЛАРДАН ДАРАК

АҚШ ҳукумат раҳбари Билл Клинтон орадан ўн йил ўтгач «аср вабоси»- халокатли иммунитет танқислиги оқумли касаллигига қарши дори яра-тилини катта ишонч билан айтди. Мамлакатда фалақийет илми равнақи йўлида ҳам талай ютуқларга эришилган. Жумладан, «Колум-бия» космик кемаси экипажи аъзоларидан икки нафари мазкур парвоз мобайнида бугун иккинчи марта очик коинотга чиқади. Мудоффа вазирлиги эса ҳукумат қуролли куч-ларини қайта ташкил этишни режалаштирмоқда.

Хитойда газнинг кучли портлаши оқибатида 42 кочни халок бўлди. Айни пайтда мамлакат Мудоффа вазир келаси йилнинг башларида Японияга қилинажак расмий ташриф ҳақида бош қотирмоқда.

Россияда сўнгги беш йил ичида биринчи марта Югославия ҳукумати раҳбари Радое Контич ташри-фи мўлжалланмоқда. Бу вақтда мамлакат Президенти Борис Ельцин-ни Швецияда катта қизиқиш билан кутишяпти. Пре-зидентнинг Швецияга уч-кунлик ташрифи давоми-да Россияда Анатолий Чубайс «хужайинлик» қили-ши кўзда тутиляпти.

Украина ҳукумат бошлиги Леонид Кучма икки кунлик расмий ташриф билан Нидерландияга жўнаб кетмоқда.

Францияда Миллий кенгаш француз фуқаролиги тўғрисидаги янги қонунни ёқлаб чиқди.

Чехияда кейинги кунлар ичида руҳий зўриқишлар оқибатида мамлакат раҳбари хаста-ланиб қолди.

Белорусияда Россия ва Беларуссия Иттифоқи ижроия қўмитасининг йиғилишида қатнашиш учун Виктор Черномирдиннинг ташрифи кутилмоқда.

«Камолот» анимликлари

ҲИНД КИНО ФЕСТИВАЛИ

«Камолот» жамгармаси Ҳиндистоннинг Ўзбеки-стондаги Элчионаси ва Ҳиндистон Маданияти маркази билан ҳамкорликда мазкур йилнинг 5 декабридан, кел-гуси йилнинг 21 январигача республикамизнинг ёш-лари учун ҳинд кинофестивали қуларини ўтказди. Мамлакатимиз ёшларининг ҳинд кино санъати-га бўлган қизиқишини эътиборга олиб, фестивал қулар-ини ҳинд кино юлдузлари ижро этган «Шармали», «Чолмал», «Лайли ва Махжун», «Чанди», «Парен-ди» ва шунга ўхшаш бир қатор янги суратга олинган фильмлар намойиш этилади.

Мазкур ҳинд кинофильмлари намойишга кетади-ган ҳаражатларни ёшларнинг «Камолот» жамгармаси ўз зиммасига олган.

СИЗ ҚОНУНИ БИЛАСИЗМИ?

Кеча «Камолот» жамгармасида «Сиз қонунни би-ласизми?» қўрик-танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Камолот» жамгармаси, Халқ таъли-ми вазирлиги, Олий Суд ва Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ҳодимла-ри иштирок этидилар. Йиғилишини «Камолот» жамгармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбоса-ри К. Юсулов олиб борди. Мажлис кун тартибида қўрик- танловнинг қўшма қарори ва низоминда ҳар бир вазирлик ва ташкилотга белгиланган вазифаларнинг ба-жарилиши, қўрик-танлов барча босқичларининг ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

ЎЗБЕК РАССОМИ ГЕРМАНИЯДА

Яқинда Германиянинг Любек шаҳрида ўзбекистон-лик ёш, таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг ижо-дий кўрсатмаси очилди. «АРТ-М» хусусий галереясининг раҳбари Йохим Виллер ва унинг рафиқаси Юлия Виллер томонидан ташкил этилган бу кўрсатмада рассомнинг 25 асари намойиш этилди. Айниқса Ортиқалининг миллий руҳда яратилган «Тахтиравон», «Шоҳи зинда», «Бибиноним», «Дуппи сотувчи» каби асарлари муҳлисларда қизиқиш уйғотди. Кўрсатма қуларни саккизта асарга муҳлислардан харидор топилди. Ўзбек рассомининг бешта асари эса энди Германияда очиладиган барча кўрсатмаларда на-мойиш этилади.

Ўз мухбиримиз

Алоқалар янада мўстаҳкамланади

Аввал хабар берганимиздек, 26-28 ноябр кунлари Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида халқаро анжуман ўтказилди. Ундан қўзланган мақсад Ўзбе-кистон ва Жанубий Осё мамлакатлари орасидаги маданий-маърифий алоқаларини янада қучайтириш, хоржий давлатларнинг юртимизга бўлган қизи-қишини ўрганиш, қолаверса, кафедранинг 50 йиллик фаолияти мобайнида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилишдан иборат эди. Анжуманда сўзга чиққан Галал ас Санд ал-Ханафий (Миср), Интишор Аълам (Ҳиндистон), С.Барни хоним (Канада), Офтоб Кхокар (Покистон), тарих фанлари доктори Илёс Ҳошимов, Асоиддин Уринов, «Миллий тикланиш» газетаси Бош муҳаррири, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуровлар ва бошқа кўплаб олимлар Ўзбекистон ва Жанубий Осё мамлакатлари ўртасидаги қадим-дан ривожланиб келган дўстона муносабатлар, Буюк Ипак йўлининг аҳамияти, келажакдаги маданий, иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз юритдилар. Ўқил-ган маърузаларни тилшунос талабаларга кенг тарғиб қилиш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этишга тайёрланмоқда.

НОЗИМА

Азиз муштарийлар! "ТУРКИСТОН" га обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; яқка тартибдаги обуначилар учун 203, "Туркистон" Сиз билан бирга!

... Автобус силкинчи тўхтади. Бекатда менга жовдир...

ни йўл-йўлакай ечиб мен томонга талпинади: "Кизим, кизинам..."

Синглимга хат

Ўн саккиз минг оламни яратиб қўйган Сарвари оламнинг одамзотга берган энг улуг неъматларидан бири муҳаббатнинг...

хислар аралашиб кетмасин. Чунки бу ерда ҳамма ҳам хатога йўл қўйиши мумкин...

(Ф. Гулом) тўққанинг билан уларнинг иши йўқ. Сенинг хижрон азобида қовирилшиларнинг, айрилиқ дардида ёншиларнинг уларга бегона...

эқтимол, ҳаммасини англашар. Ахир, дилда улкан дарди бўлмаган одамнинг юраги бунчалар қуймас эди...

ҚИШЛОҚИ ДУҒОНАНГ

жиянинг кутволарди ўшанда "холажон" деб. Ўзимни астойдил оқлашга тушаман: "Вахирироқ келмоқчийдим...

ришлар беради-да. Кеча радиода онаси ҳақида гапирган гапларини эшитиб сени роса кўргим келди"

ҚҲЗТҶ

қелган. Яна бир борсам... "Дунёнинг ишлари" ни ёзган Уткир Ҳошим боламли зират қилиб ўзим тиккан яқтагимни, қийинимни бериб, бошига дўппи кийдириб келсам...

Опа, ҳамма артистларни, катта-катта ёзувчиларни, шоирларни кўриб турсангиз керак-а? Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Халима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Мухаммад Юсуфлариям кўрасизми? "Кўнги кучалари" нимага айни қизиб турган пайтида тўхтаб қолди? Гўёки ҳамма-ҳаммасини ҳал қилиб беришим мумкинлиги сингилларим қайта-қайта савол бердишди...

Дугонаминг қизчасини етаклаб Дилдоранинг гапларини жимгина тинглаб борарканман, тупроқ чангитиб ёғоч отларни миниб юрган жиям Абдоржон мени таниб қилиб бутун дунёга ҳасад бошлайди: "Адолат одам келаяти-и-и!!!"

Мен эса... Онам сезади: "Кизим, маҳалла кўй, домларнинг жуда кўп сўрашади қизимиз яхши юрилдимми деб. Халиги инглиз тили ўқитувчинг бор эди-ку... ақинда тусатдан юраги ушлаб, ўтиб қолди". Сесканиб кетаман. Юларимга зўра фотиҳа тортаман. "Зарифа урғотингни отаи Аҳмаджон домла ҳам касал эди, ақинда бандалик қилди. Айри кучадаги амма онанг ҳам. Яна..."

Дугонаминг қизчасини етаклаб Дилдоранинг гапларини жимгина тинглаб борарканман, тупроқ чангитиб ёғоч отларни миниб юрган жиям Абдоржон мени таниб қилиб бутун дунёга ҳасад бошлайди: "Адолат одам келаяти-и-и!!!"

Гарчи мендай тилинг бийрон эмасдир, Гарчи озуларинг қувлаб толмайсан. Лекин йўларимда сарғайса онам, Кўзига қарамай униси йнғилайсан. Нима бўпти, сенга фаввораларнинг салқин сувларидан эриган дамлар. Нима бўпти, роҳатланиб яласа, Муқаймомнинг онанг дўстлари билан. Сеник жилмаясан, хузурланасан, Кўнгилад онамга мактаса мени. Қани энди сендай бўласан синглим, Сена мактов эмас, сўз йўқ дегани.

Дугонаминг қизчасини етаклаб Дилдоранинг гапларини жимгина тинглаб борарканман, тупроқ чангитиб ёғоч отларни миниб юрган жиям Абдоржон мени таниб қилиб бутун дунёга ҳасад бошлайди: "Адолат одам келаяти-и-и!!!"

Қандай китоб ташмайган, қачон қарасанг бир чеккаларда ҳаёл суриб ўтириладиган ўртанча синглим Мухаррамга қараб эса кўзларим қувнаб кетди. Соҳлари бирам узайиб кетибдики. Офтобга ўтириб олиб соҳларимни бувиамга майда қилиб ўрдиришларим... Бувиимнинг қунда тутам, ойда қўлоқ дея қокилларимни тортиб-тортиб сийлаб қўйишларим. Кейин эса кўз-кўз қилиб қўчани бир айлиб қилишларим. Ҳамма-ҳаммаси энг ширин тушдай бирпасда ўтиб кетди-я. Энди эса ҳар бир ширин хотирамнинг аччиқ-аччиқ ҳумор тутишлари қийнайдилар мени. Уйимизнинг ягона суянчиги Рўзимухаммад амаккининг ҳали ёш бўла туриб оқариб кетган соҳлари, тоғдай елкаларининг анча пасайиб қолгани, кўзларига ботган жиянларимнинг, укаларимнинг, менинг ташвишим...

ДУСТГА ХОР БЎЛГАН КҮНИМ...

Оғир ёки ноҳор аҳволга тушганингизда дўсту дугонагининг қандайлиги биланаркан, Араблар бир мақолида "Дўсти йўқ одамни ўлдиринглар" деб бекорга айтишмаган.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Нимага ухлайсиз! Қараб ётиш керак эди! Бир нарса бўлса, биласизми, мен жавоб бераман! У шундай деб чикиб кетди. Менинг эса гапиршига ҳам ҳолим йўқ эди. Эртаси куни темирчори аса тасыр этиб хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, рўпарамда ўтирган Сожида опа "Хайрият!" -- дея бошимни кўтариб, дори ичкизиб қўйди. Кейинги кун эса иссиғим 40 даражага чиқиб кетди. Уқоллар тасыр қилмай қўйди. Яна ўзимни билмай қолганман. Кечқурун кўзимни очсам, Сожида опа бошимда ўтирибди.

Муҳаббат ҳар бир дилга меҳмон бўлади, аммо ҳамма юракда ҳам муқим қолавермайди. Шубҳаю гумонлар, ҳиёнат ёлғонлар илдириб отган кўнгил бодига муҳаббат чечаяи уммайди...

Синглим сенга бу сузларни беҳиж айтмайдим. Чунки сен муҳаббат ёндасан. Юрагингди хислар уммонни мавжалдиб турибди. Кўнгил қўрғонининг дарвозасини туйгулар карвонага ланг олиб қўйибсан. Эҳтиёт бул, покиза туйгулар карвонига нопок...

Оила. Бона. Марбуа "МЕҲРИНГГА ЗОРМАН, ОНА"

Ўзбекистоннинг келажиги бўлган ёш авлодини жисмоний соғлом, ақлий етуқ, ахлоқий пок, маънавий бой, инсофий, динийат қилиб тарбиялаш гоит муҳим ва масъулияти вазифа. Шу мақсадда республикамизда жамиятнинг соғломлаштириши ва ҳар нарсасга янгича қараш жараёни оғишмай амалга оширилмоқда.

Ёшларни тарбиялашда оиланинг аҳамияти катта, болалар ўз ота-оналари, акалари, опалари, тенгқурларидан жамиятга ўзини тутишни ўрганади. Оилада асос солинган тарбия пойдеворни қишларда умр бўйи мустақамлашиб тарбия. Афсуски оиланинг турли сабаблар билан емирилиши маълум гуруҳ болаларнинг "Меҳрибонлик йилари"да тарбияланишига олиб келмоқда: Бундай йиллар болага яхши тарбия бериб, унга юксак инсоний сифатларни сингдириб, тарбияланувчиларнинг моддий таъминотини яхшилашса-да, бироқ у туғилиб ўсган уйдек бўлолмайди.

Ички ишлар бўлимининг ёшлар ва ўсмирлар билан ишлаш гуруҳидаги материал билан танишиш шуни кўрсатадики, оилавий тарбия пойдеворининг дарз кетиши, оилада ичкиликка ружу қилиниши болаларда салбий ҳулқ сифатларини шакллантиради.

Тарбияси қийин болалар учрашининг яна бир сабаби болаларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Кўпгина талим муассасаларида буни болаларнинг ақлий заифлиги, жисмоний ноғиронлиги, "қобилиятсизлиги" деб баҳолашмоқда. Фикримизга, ўқишга нисбатан салбий муносабатларнинг шаклланиши, ўқидан қўнғил совиши бирдангина юзага келмайди. Ўсмирларда ўқишга қизиқиш оилдан бошланади.

Тажирибалар ўтказишда шу нарса кўзга ташландики, тарбияси қийин ўсмирларни қайта тарбиялашда эътибор асосан шахсга ўз қадр-қимматини тушунтиришга, юксак интилишини шакллантиришга эмас, балки унинг камчилигини қоралаш, болага ишонмаслик, танабх беришга қаратилади. Унга "Алдама!", "Ўғрилиқ қилма!",



Кўзон шаҳридаги гўдақлар уйда

Э. САМАДОВ, Тошкент Молия институти катта ўқитувчиси, Б. САРКИСОВ, доцент

ЧИНИНГГА

Онажон, сиз гул шайлоси эдингиз-а? Айнакча чинингул. Ҳовлимизни чинингул ҳидлари тўлдириб турарди... Оқ, сариқ, қизил, пушти чинингул. Гулларнинг хушбўй таъдоридан маст бўлмаган одам бормикан ўзи?! Ҳатто қўшлар ҳам севди гулларни. Севимаса эди, ҳали тонг уйқўли кўзларини очмай туриб гул ва гулзор узра чарх уриб чиқрилаларми?

Мен ҳам севардим ўша гулни. Узоқ шаҳарда туриб, онажоннинг иссиқ бағридан таралиб турган хушбўй ифорни бот-бот кўмсардим... соғинардим... Кўчадами, йўлдами чинингул кўрсам, ундан сира кўз узоқмай қолардим. Бу гуллар менга чанг-тузюли, болажонлар қийқиритиғи айримайдиган қишлоғимни, икки ёноғида қўлдек қипқ-қизил чинингул осилиб турган онажонимни ёдга солди. Ўша тўпигимгача лой ва тупроқ кечиб ўзайган кўчаларда югургим, бор оволган бақириб, кенг далалар, тепалар узра қулдек парвоз этгим келарди. Аммо шадлоқ боланик, гўр ёшлик мени тарқ этганди...

Ҳонамда доимо уч дона чинингул бўларди. Оқ, қизил, пушти чинингул. Уларга боқиб ширин ҳасиллар оғушида сувардим. Эсимда баъзида ҳовлимиздаги гулзор ичиде уқлаб қолардим. Шунда онажоним: "Кизим, нега гулларга меҳринг, муҳаббатинг ўзгача? Бу балки исмиг ҳам уларга мослигиданми? Гулларини, сенинг гулзор ичра гулдек очилиб, гуллар сараси, Раноси бўлиб юришинг мени қувонтиради!" -- деб эрқаллардим. Батзида эса "Кизим, гулларга озор берма, беҳудала уларни узма, гул уюли ёмон бўлади!" -- деб танабх ҳам берадилар...

Ушанда гул қарғиғига учраган илк тунда сен уч дона: оқ, қизил, пушти чинингул олиб келгандинг. Қувончининг чеки йўқ эди. Аммо ўшал оқшом уч дона

ГҲЗНОЗ

Хонбиби ҚИММАТ қизи, ТошДУ, журналистика факультети, V-курс талабаси

Исфандиёр Жасдам

(ТАРИХИЙ САРГУЗАШТ РОМАНДАН ПАРЧА)

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

-- Мен хотиним, қизимнинг ташвишини қилаяман, бу масалада ҳақсан. Булар ҳам, -- Вахшунварта орқада ўтирганларга ишора қилди, -- Искандар қўлида гаров сифатида қолган оилаларни ўйлашяпти. Спитамен бекнинг охириги сўзларини эшитмади. Кўзлари юмилган, у яна хушидан айрилганди...

-- Спитамен! Спитамен! Спитамен! Кўзингни оч! -- жон-ҳақди билан эрини юлқиларди Гулрухсор. Спитамен зўрга кўзини очди.

-- Мароқанд элчисини кўлга туширдик.

Спитамен ҳеч нарса тушунмай, хотинига маъносиз тикилди. Яраланган қўлини кўтаришга уринди, оғриқдан афти буришиб кетди.

-- Қизқардиқ бирон гап айтишди-ми? -- шодликдан бир зум кўзлари чакнади. -- Улибдим?

-- Ким ўлади?

Гулрухсор ўйланиб турди-да, қўл силтади.

-- Ҳа, Искандарни айтаяпсанми!.. Йўқ, бошқа гап бор.

Спитамен бўшашиб оғир хўрсинди.

-- Айтмабдим сenga, бу қари тулки Вахшунвартага ишониб бўлмайди деб? -- Яна эски гапми?

-- Айтганмидим ё йўқми?.. Айтгандам, сен ишонмагандин! -- Гулрухсор лабларини титлади. -- Ишонмадинг, энди ўзингдан кўр!

-- Тузукроқ гапирсанг-чи, нима бўлди ўзи?

-- Искандар Вахшунвартанинг қизига уйланишми?

-- Роҳшанака-я?

Спитамен тирсагига таяниб, ўрнидан қўзғалди. Оғриқни ҳам сезмади.

Шу он биқинидаги ярадан қон сизиб чиқди.

-- Энди унинг исми Роксана! -- Гулрухсорнинг кўзлари совуқ чакнади. -- Улуғ шох унга Сўғдиёна ва Бақтриё маликаси унонигани берибди.

-- Вахшунвартанинг булардан хабари борми? -- Спитаменни оғзи куруқшаб, гапиршига қўйналари. -- Бек билмадимми?

-- Билди.

-- Қаерда у? -- Спитамен хотининг қўлига ёпишди. -- Уни ҳузуримга чорла! Ҳозирок!

-- Кимни чақирай? -- сўради Гулрухсор худди киноя қилаётгандай.

Гулрухсор ниҳон сақаб турган гапни Спитамен тушунди. Инграб, ўзини чалқанча ташлади.

-- Тунда гоийб бўлибди... Ўз одамлари билан бирга. Бундай бўлишни кутмаганмидинг? Наҳотки бу сен учун янгилик?

Шу дақиқада у Спитаменнинг дилини огритишдан ҳузур қилаётгандай эди.

Спитамен эса ишонгиси келмас, сўнгги ойлар ичида бўлиб ўтган воқеалар, кеска бек билан сўхатларини бир-бир эслашга, қочоқчилик сабабини ўйлаб, буни оқлашга уринарди-ю, қўлидан келмасди.

-- Демак, Вахшунварта ҳам қочибди-да! -- лабини титлади Спитамен.

-- Нега? Қаёққа қочади?

-- Қаёққа, нима учун қочганини сен ҳали ҳам тушунмабсанда.

-- Қўлга олинеин! Ҳаммаси ҳибсага олинеин! Спитамен сапчиб кетди-ю, жароҳатларидан қон қўйилиб, шу захоти йиқилди. Гулрухсор эрига ташланиб, яна жонига ётқизди.

-- Қочишяпти?Бари қочишяпти! -- ширларди Спитамен кўзларида ёш ҳалқаланиб, -- Яқинда ёлғиз икковимиз қоламыз. Унда нима кераги бор бу ташвишларнинг, Гулрухсор? Айт, эҳтимол, мен ниманидир англамаётдирманми? Айтсанг-чи, нега одамлар озодликдан юз ўгиришди? Нега ҳамма қамчи тутган келинни кўл бўлиш пайига тушиб қолди?.. Нега?

-- Сен ҳали кўп нарсдан беҳабарсан, Спитамен! Искандар қишлоқлар ва шаҳарларга фармон юбориб, ким ўз ихтиёри ила таълим бўлса, авфу эълон қилган. Уйлаб кўриш учун икки ҳафта муҳлат берибди. Сипоҳларига сўнгги шу икки ҳафта ичида йўлга қўрилган курулди сўзларга тегмасликни буюрган. Вахшунварта қизи билан ўтказилган тўйи шарофига бу муддатни тинчлик ҳафтаси деб эълон қилиб, барчанинг туноқларини ўтибди. Айниқса, Роҳшанака уйланишини эшитганларидан кейин одамлар шохга ишондилар. Вахшунварта сулоласи сўзлар орасида машур, унинг қизи шаҳаншоҳ хотинига айланиши одамлар юрагида умид уйғотди.

-- Нимага умид?


-- Бехуда урушнинг туғашига, мамлакатни қимдир эмас, сўзларнинг туғишган қондоши бошқаришига. Бошқача вазиятни танлашга ўрин йўқ. Йўқса, уларни уруш кутайди. Ким галаба қозониши аввалдан аниқ бўлган шартсиз уруш! Борди-ю, улар бу йўлни танласалар, пировардида шохдан шифоқат қутшига ҳеч қандай илжиқ қолмайди.

Спитамен қимирламай ётарди.

-- Одамлар ҳолдан тойдан, қон тўкиш жонларига теккан. Ҳадемай чиндан ҳам ёлғиз қоласан, чунки улар ерни соғинганлар.

-- Душман оёқ ости қилиб ётган ерни. -- Ҳа, ҳар қалай, шу ер бизники, унинг устида уйланишимиз қад кўтарган, уқоқларда улар ёнади.

-- Гапларинг бинойи, хотин, -- истехзоли жилмайди Спитамен. -- Гапнинг



ХОЖИ АБДУРАҲМОН ВА ШОГИРДЛАРИ

Шахрихондагина эмас, балки бутун Фарғона водийсида ҳам Абдураҳмон хожи яхши танишди. Унинг касби оддий -- пичоқчилик. Уста яратган пичоқчилик, мисгарлик санъати намуналари қўллаб хонадонлари беэган.

Абдураҳмон аканинг 6 нафар ўғли бўлиб, уларнинг барчаси ота касбини танлашган.

-- Бизнинг беш авлодимиз устачилик билан кун кўриб, пичоқчилик, мисгарлик санъати бўйича ўзига хос мактаб яратган, -- дейди Абдураҳмон Абдуллаев. -- Устачилик қонимизда борлиги боис, ҳатто невараларим ҳам ажлодлари санъатига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишмоқда.

Суратларда: Устанинг невараси Ахроржон. Уста Абдураҳмон шогирдлари даврасида.

Сураткаш: А.Герасимов.

Фароҳат сабоқлари

Тахририятимизга келатган мактубларнинг аксариятини шеърӣ машқлар ташкил қилади. Уларда шеърӣятга ошно қалбларнинг руҳий кечималари, уй-фикрлари, дарду изтироблари турли шаклларда, турли йўналишларда ўз аксини топган. Бу шеърӣ машқларнинг деярли барчаси тахририятимиз ходимлари томонидан диққат-эътиборга олинади.

Этиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу мақолада муштарийлардан келган машқларнинг сараларига диққат қаратилиб, уларнинг айримлари адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Қарши шаҳридан мактуб йўллаган даваскор ижодкор **Уроғ Ҳайдарнинг:**

Шухрат қилгандай қитқайверар,
Йўталгинг келгандай қирсан томоқ,
-- сатрлари орқали шухратинг янгича таърифи яратилган бўлса,

Девор оша секин бўйлар кўчага
Ошиқ ўспириндай тераклар бўйчан,
-- мисраларида девор оша бўй қўзаятган теракларнинг ошиқ ўспиринга менгалиши ёш қаламкашининг поэтик образ яратишга маҳорат пиллапояларига кўтарилаётганидан дарақ беради.

Муборақлик **Очил Тоҳирнинг "Кенглик"** шеърӣдаги руҳият шоир И. Отамурод йўналишини эслатса-да, қаламкашининг баъзи сатрлари, хусусан:

Севилган қиз мисол чўлининг баҳори,
Юғради дунёнинг тўрт бурчига -- мисралари лиро-эпик лавҳа яратга олиши билан диққатни тортади.

СамДУ талабаси **Шаҳло Ҳошимовнинг** шеърӣ машқларида автологик (авто-ўз, логос-сўз) усулни қўллашга интилиш сезилди. Бу усулга қўра шеърӣдаги поэтик образ тўғридан-тўғри, муқояса ва ташбеҳларсиз яратилди.

... **Қадамлар олдинда эгилди,**
Кўёшлар қалбимга гул экди,
Ситилди кўнглимнинг қабоғи
Титилдим
Эзилдим
Ўксидим...

Мисралардаги баъзи ноўрин жумлалар, ортиқча такрорлар муаллифнинг образ яратишдан ҳам кўра ритм яратишга кўпроқ эътибор қаратганлигидан далолат беради. Шунга қарамай, шеърӣда автологик усулга хос асосий хусусият -- чуқур таъмагн лиро-эпик лавҳа яратишга эришилган деб айтиш мумкин.

Жамила Тоқиева юборган бир даста шеърӣ машқлар ичида "Ёмғир" шеърӣ алоҳида эътиборни тортади. Тўрт банддан иборат мазкур шеърӣда ёмғир бўсағасидаги ҳолат (ойнинг бекиниши, момақалдиқроқ гум-бурлаши, чақмоқ чақиши ва ҳ.к) ажойиб эпизод ва образлар ёрдамида ёритилиб борилади.

Аммо муаллиф баъзи ўринларда сунъий бирикмалар (абрий юрак, фикри хубоб), сийқалашган қофиялар (юлди-кетди, толди-қолди, томонга-замонга) дан фойдалангани, бу шеърӣнинг бадиий савиясига жиддий зарар етказди:

...**Тиг зарбидан ҳароб бўлди абрий юрак,**
Шовуллади булут қони ҳар томонга.

Анджонлик **Нусрат Абдусалом** шеърӣларида ҳеч ким пайқамган, аммо ҳамма билалган оддий ҳақиқат фалсафий ҳулоса сифатида ифода ланиб берилади, шеърӣнинг бадиий савиясига жиддий эътибор қаратилмайди. Ижодкор ўз фалсафий ҳулосасини баён қилишда шеърӣнинг сўнгги сатрларига тезроқ етиб бориш учун шовилмаслиги керак, яъни шеърӣ ўша сўнгги сатрларни айтиш учун ёзилмаслиги лозим. Шеърӣдаги ҳар бир мисра бадиий етук бўлгандагина, у соф санъат асарига айланиши мумкин:

... **Туваклар оstdан сизган сув эмас**
Гулларнинг ичига ютган кўз ёни...
Ориф Туроповнинг "Ўлим бир қўноқдир" шеърӣда инсон ҳаётини фалсафий-тасаввуфий қимматини пайсайтиради, ҳолос. Файласуфлардан бири "Бақира бошладингми, демек сен ноҳақсан" деган экан.

У. Разақов, М. Азаматова, Ш. Бўронова, С. Набиев, Д. Абдуллаева, Б. Маҳмудларнинг шеърӣ машқларида муаллифларнинг қалбларида ўз сўзлари борлигини, уни қимларгадир айтиш иштиёқи мавжудлигини сезиш мумкин. Қўнғилда фикр, уй, дардинг туғилиши яхши, аммо том маънодаги шеърӣят, поэтик образлар яратиш учун бунинг ўзи қифоя қилмайди. Ҳар бир сўз чуқур ҳис қилинмас экан, яъни сўз замиридаги маълум фикр шахсан ҳис этилмас экан, дунёга келган шеърӣ ўзга қўнғил мулкига айланмайди, яратилган жойда қолиб кетади. Истеъдодли шоир Иоганнес Бехер "Ёмон расмларнинг айби ёмон чизилганда эмас, балки ёмон ўйлангандадир" деб ёзганда айнан юқоридagi ҳолатга ишора қилган эди.

Тахририятимизга келган шеърӣ машқлар ичида мумтоз адабиётимиз маҳсули бўлган аруз вазида яратилган шеърӣларнинг ҳам борлиги бизни қувонтиради. Шеърӣят эшикларини чертишга чоғланаётган ёшларимизнинг мазкур вазнини қўллашдаги илк тажрибаларини табриқлаш мумкин. **Хусусан, Розик Рўзиевнинг** "Бухоро оҳанглари" туркум газаллари, **Рустам Жабборов (Мушфиқ)**нинг газали ва қитъалари, **Турсунбой Исроиқ** ўғли **Тилсимнинг** "Чўлпон" муҳаммаси аруз вазни талабларига анча мос келишини таъ-

МАНЗУМ МИСРАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

йўналишда талқин қилишга интилиш сезилди. Шеърӣ анча муваффақиятли чиққанлигини таъкиллаш билан бирга, шеърӣят оламига кириб келатган барча ёшлардан, жумладан юқоридagi шеърӣ муаллифини ҳам тасаввуф фалсафасини англашда жўнликка йўл қўймасликларини сўрадик.

... **Рух - Оллоҳ зарраси, вужудим ридо,**
Мазмуни - руҳимдир абадий порлоқ.

Фахриддин Тўйчиевнинг "Ойда бир келасан янги бир ойдек", **Акрам Усмоновнинг** "Тилларга қўнғилда дил осмондан, Тафтини йўқотар севги офтоби", **Гавҳар Айтваннинг** "Кўёшдан олдиқроқ келгум бор", **Нозимжон Мўминнинг** "Ипакдининг чўзилади вақт", **Зухра Очиповнинг** "Бир пой йўл - совуқнинг қунида изриган ташвиш" сатрлари шеърӣятимизга янги овоз соҳиблари кириб келатганидан дарақ беради.

Тахририятга келган шеърӣларнинг анчагина қисмини ватан ҳақидаги шеърӣ машқлар ташкил этади. Бу мавзуга оид аксарият шеърӣларда ватанга бўлган муҳаббатни ифодалашда зурақчилик, сунъийлик, ортиқча эҳтирос етакчилик қилишнинг кузатиш мумкин. "Биз ватанин севамиз жондан" (**С.Хусанова**), "Ишқинг билан ёндим мен, дилда боримсан, ватан", (**Ғ. Миклибоев**), "Далалари бепоён ватан Ўзбекистон буюксан илдам" (**М. Файзиёва**), "Ҳар кун чирой очарев, сенсан шараф ва шоним" (**Б.Бобораҳимов**) каби баландпарвез сатрлар билан Ватан юракка жойланиб қолмайди.

Бундай дабдалаби, ортиқча бақир-чақирлардан иборат сатрлар бадиий асарнинг

кидлаш жоиз.

Айниқса, ТошДУ толиби **Р. Жабборов (Мушфиқ)**нинг "илму ҳунар" радиопи газалида муаллифнинг аруз вазидаги энг нозик жиҳат -- вазифа бўғинларни ўз ўрнида қўллаш олишдек вазифани уздай олганлигини кузатиш мумкин:

Илмдин гулдаста тузил, тер ҳунарнинг мевасин.

Асли билсанг, боғ ила гулзордир илму ҳунар... Мазкур газал рамал баҳрининг энг хушоҳанг вази -- Рамали мусамман маҳзуф (Рукнлар ва чизмаси: фойлотун фойлотун фойлотун фойлотун (-V--V--V--V--V--V--V--V--V--V))да яратилган.

Қ. Норинбоев, Т. Исмоилова, И. Собиров, Д. Умарова, Б. Бобораҳимов, Б. Пулатов, Ю. Саълоддин қизи, М. Файзиёва, А. Саълова, Ф. Жумаева, Ҳ. Аминовларнинг ижодий машқлари ҳали бу муаллифларнинг ижод йўлида чуқурроқ изланишлари, ўз устиларида кўпроқ ишлалари зарурлигини кўрсатади. Биз муштарийларимизга газетамизга бўлган эътиборлари учун миннатдорчилик билдириб, келгусида улардан баркамол ижод намуналарини кўтиб қоламиз.

Аристотель санъат ҳақида гапирга туриб, уни "катарсис" (покловчи) деб атаган эди. Сўз санъати бўлган адабиёт, хусусан шеърӣятга бу вазифа ўн баравар ортиррилиб оқлар экан, бу юқунинг салобати ҳар бир ижодкорнинг олдида қалбларни покловчи сатрлар яратишни вазифа қилиб қўяди. Бу улкан вазифани адо этишда барчангизга омад тилайми!

Дилнавоз ФАРМОНОВА,
ёш адабиётшунос.

Сартарош олдига кирган мижоз деади:

-- Қаранг, шогирдингизнинг иши тузуқми, бошимнинг ҳеч ерини кесмабдимми?

-- Таъвишланманг, унга утмас устара бериб қўйганим.

Бир киши уртоғини қўриб қолиб, эски танишидан нолиб қолди:

--Минг сўм сўраган эдим, аблаҳ экан, бермади.

-- Одинадан айтиб қўй, мен ҳам аблаҳман.

-- Арзангизга нуқта қўйишни унутибсан.

-- Илтимос, ўзингиз қўйиб қўйинг.

-- Кечирасиз, ҳуснихат бир хил бўлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ЖАМГАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕПЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ВА "МУШТУМ" ЖУРНАЛИ

Шу йил 19-20 декабр кунлари А. Навоий номи Санъат Саройида "Қизиқчи-97" республика курик-танловининг финал босқичи ўтказилди. Бу йилги танлов марҳум қизиқчи Собит Асомов хотирасига бағишланади.

Ўзбегимга хос ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ ёшларни ушбу танловда иштирок этишга таклиф этамиз.

Аскинга муштоқ халқимизнинг умрини узайтириш борасидаги қобилиятингизни намойиш этмоқчи бўлсангиз, "Камолот" жамгармасининг ўзингиз ашаётган вилоят бўлимига ёки Республика ташкилий қўмитасига (3712) 41-00-83, 41-08-61 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Шеърӣят
ихлосманглари
gukkamiga!

"ТУРКИСТОН" газетаси тахририяти қошида ташкил этилган таниқли шоир **Муҳаммад Юсуф раҳ-барлигиндаги "Шеърӣят сабоқлари"** мактабининг келгуси машғулот и бутун соат 15.00 да бошланади.

Ўзгал мушоираси, қизин баҳсу мунозаралар Сизнинг таширфингиз билан янада баркамоллашу-вини унутманг!

"ТУРКИСТОН" ЧИЛАР